

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК 657**

**Бабажанов Артикбой**

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ**

**Ихтисослик: 08.00.08 «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий  
таҳлил ва аудит»**

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш  
учун ёзилган илмий маъруза шаклидаги**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Тошкент-2007**

657,02(043:3)

Диссертация Тошкент Давлат Иктисодиёт Университети "Бухгалтерия хисоби" кафедрасида бажарилган

Расмий оппонентлар:

Уталиш Аҳмадшанов

иктисод фанлари доктори,

профессор А.К.Ибрагимов

Олеговий Саидов

иктисод фанлари доктори,

секр, бокт, узоқ

профессор Б.А.Хасанов

узеер ва иккунда

изда сувардош

иктисод фанлари доктори,

лар тиллаб Фан

З.Т.Маматов

Етакчи муассаса: 06.01.07

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги

170

Илмий маъруза 2007 йил "09" фев соат 15<sup>00</sup> да Ўзбекистон Республикаси Банк Молия Академияси хузуридаги иктисод фанлари доктори илмий даражасининг химяси буйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг йиғилишида химоя қилинди.

Манзил 700000, Тошкент шаҳар Х.Орипов кўчаси, 16 уй мажлислар зали. Илмий маъруза билан Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Илмий маъруза 2007 йил "05" апр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг  
илмий котиби., и. ф. н., доцент

Ф.Мирзаев

## I. Илмий изланишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот йўналишининг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига тобора уйғунлашуви мавжуд конунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириб, уни халқаро меъёрлар ҳамда стандартларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нукталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик - зарур ҳуқуқий омилни шакллангирмасдан туриб, тегишли конунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотларни орқага чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»<sup>1</sup>. Ушбу башоратлар ҳозирги кунда ўзининг долзарблигини яққол намоён қилмоқда ва биз учун дастури амал бўлиб келмоқда.

Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва юридик мустақиллиги кафолатланган шароитда барқарор молиявий фаолият кўрсатишлари учун уларни оқилона бошқариш, ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳисоблашишларни амалга ошириш, ҳисобни юриштириш бозор иқтисодиётининг талабларига мослаштириш молиявий ҳисоботни ўз-вақтида тўғри, ишончли тузиш, моддий, меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда хўжалик фаолиятини юриштириш, натижада юқори даражада фойда олиб давлат бюджети, таъминотчилар, инвесторлар, кредиторлар ва ўзининг ходимлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажариш учун старли захираларни ташкил этиш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, бухгалтерия ҳисобини, хусусан, молиявий ҳисоб ва ҳисоботни бозор талаблари асосида ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига кўтарилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобининг олдига тезкорлик билан бажариш учун бир қатор муаммолар қўйилдики, уларни ечиш борасида кейинги йилларда тегишли конунлар, Низомлар ва стандартлар

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.; «Ўзбекистон». 1995 й. 29-б.

қабул қилинди. Хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (1996й), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонун (2000 й), «Махсулот, (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» Низом (1999 й), «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» (1998-2005 й) ишлаб чиқилди ва қабул қилинди ҳамда амалиётга жорий қилинмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида субъектни бошқаришнинг муҳим дастаги бўлган бухгалтерия ҳисобининг роли беқиёс даражада ортиб бормоқда. Бинобарин, замонавий бухгалтерия ҳисоби субъект фаолиятининг тезкор ва истикболли бошқарилишида асосий ўринлардан бирини эгаллаши, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бериши, фаолиятнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаши унинг халқаро «бизнес тили» бўлишини тақозо қилади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимининг долзарб ва истикболли йўналишларидан бири бўлган ва унинг таркибий қисми ҳисобланган молиявий ҳисоб халқаро стандартлар ҳамда ривожланган давлатларнинг ҳисоб юритиш борасидаги амалиётини чуқур ўрганиш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, уни янада ривожлантиришнинг назарий-услубий масалаларига бағишланган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби тизимидан молиявий ҳисобни ажратиб чиқариш ва уни мустақил фан даражасига қўтариш масаласи қўйилди. Ушбу долзарб муаммони ечиш борасида муаллиф томонидан «Молиявий ҳисоб» дарслиги яратилиб, унда шу фаннинг назарий масалалари, объекти, услуби ёритилган. Бу билан биз ушбу фанни яратишда мутлоқ муаллифлик ҳуқуқига эгамиз деган фикрдан анча узоқмиз. Чунки биздан олдин ҳам бир қатор олимлар бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асосларини яратиш ҳамда такомиллаштиришда ўзларининг катта хиссаларини қўшганлар.

Булар қаторига хорижлик иқтисодчи олимлардан Айнсворс Р., Аксененко А., Безруких В., Гаррисон Ч., Диснес Д., Зиммерман Ж., Карбышев Д., Козлова А., Кондраков Н., Корренбау М., Моргулис А., Морсе Д., Мюллендорф Р., Новиченко

П., Палий В., Сигел Дж., Соколов Я., Фостер Дж., Хорнгрен Ч., Чумоченко Н., Шеремет А., Шим Дж., Энтони Р ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан Абдуганиев А., Вохидов С., Жуманов О., Жўраев Н., Ибрагимов А., Каюмов И., Кодирхонов С., Қудбиев Д., Мусаев Х., Пардаев А., Пардаев М., Ражабов Р., Санаев Н., Сотволдиев А., Тулаходжаева М., Умарова М., Усанов А., Ҳураев К. ва Хасанов Б лар томонидан бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асосларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган.

Шу билан бир каторда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлардан Абдуллаев А., Гадовев Э., Жўраев Т., Каримов А., Кодирхонов С., Сотволдиев А., Юлдашев С лар яратган дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар ва илмий мақолалар “Молиявий ҳисоб” фанининг илмий - услубий асосларини яратишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд қилинган иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари, дарсликларида молиявий ҳисобнинг назарий ва услубий муомалаларини ўрганиш тадқиқот объекти қилиб танланмаган, бу фанни ажратиб чиқариш мақсад қилиб қўйилмаган. Шунингдек, айрим олимларнинг илмий ва услубий ишлари бозор иқтисодиётига ўтишдан аввалги даврларни камраб олган.

**Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг асосий мақсади**- “Молиявий ҳисоб” фанини мустақил фан даражасига олиб чиқиш ва унинг назарий, услубий, ташкилий асосларини яратиш, уларни чуқур тадқиқ этиш ҳамда ўрганиш асосида илмий - амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уни ўқув жараёнига ва амалиётга тадбиқ қилишдан иборат.

**Диссертациянинг вазифалари.** Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб қилади:

- “Молиявий ҳисоб” фанининг назарий ва услубий асосларини яратиш;
- молиявий ҳисобнинг предметини ва услубини аниқлаш ҳамда ёритиш;
- мамлакатимизда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг асосий йўналишларини яратиб бериш;
- ҳисоб тизимида молиявий ҳисобнинг ўрнини аниқ белгилаш;

- халқаро стандартларнинг таклифлари ва ривожланган давлатларнинг амалиётини чуқур ўрганган ҳолда молиявий ҳисобнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш;
- субъектнинг активлари ва пассивларини баҳолаш тартибини такомиллаштириш;
- даромадлар, сарфлар, фойда ва зарарлар категорияларига аниқлик киритиш;
- молиявий ҳисобни юритиш учун “Счётлар режаси”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;
- молиявий ва бошқарув ҳисобини юритиш бўйича ишлаб чиқилган “Счётлар режаси” бўйича уларни қўллаш тартибини ёритиш;
- молиявий ҳисоботнинг элементларини ажратиб чиқиш ва тасниф бериш;
- молиявий ҳисобот олдига қўйилган талабларни такомиллаштириш;
- молиявий ҳисоботнинг шаклларини аниқлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг предмети бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобни ташкил этиш ва юритишнинг назарий, амалий, услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш ҳисобланади.

Унинг объекти мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар)нинг молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотни ўтказишда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг назарий асосларига, қонунларга, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида белгиланган асосий йўналишларга, иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларига, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган молиявий ҳисоб ҳамда ҳисоботига тааллуқли тавсияларга таянилди. Шунингдек, китобни ёзиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасида амал қилинаётган Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодиёт, Молия вазирликлари, Солиқ қўмиталари каби тегишли вазирлиқлар ҳамда идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, йўриқномалари асос сифатида ўрганилган ва фойдаланилган.

Илмий маъруза шаклидаги диссертация диалектик усулнинг тараққиётдаги иқтисодий ходисаларни кузатишга, таҳлил қилиш, умумлаштиришнинг ягоналигига, индукция ва дедукцияда ифода этилган илмий билишнинг концепция ҳамда тамойилларига асосланган ҳолда ёзилди, шунингдек, анаънавий ва иқтисодий-математик усулларидан кенг фойдаланилди.

**Илмий янгиликлари.** Бухгалтерия ҳисоби тизимидан молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобларини ажратиб олинганлиги, уларни фан даражасига қўтарилганлиги ҳамда ушбу ҳисобларни юритишни ташкил қилиш учун назарий-услубий ва амалий жиҳатларни ялпи, ўзаро узвий ва хусусий боғлиқликда ёритилганлиги ҳисобланади. Ушбу янгиликлар қуйидагилардан ташкил топган:

- мамлакатимизда биринчи марта бухгалтерия ҳисоби тизимида молиявий ҳисоб ажратиб кўрсатилди ва шакллантирилди;
- молиявий ҳисоб фанининг назарий ва услубий асослари яратилди;
- назарий ва услубий жиҳатдан асосланди ҳамда молиявий ҳисоб фанининг концепцияси ишлаб чиқилди;
- “Молиявий ҳисоб” фанининг предмети, услуби, объектлари аниқланди ва ёритилди;
- мамлакатимизда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди ва ёритилди;
- ҳисоб тизимида молиявий ҳисобнинг ўрни аниқ белгиланди ва асосланди;
- молиявий ҳисобнинг олдига қўйилган талаблар ва вазифалар белгилаб берилди;
- халқаро стандартларда келтирилган таклифлар, иқтисодчи олимларнинг таклифлари ҳамда ривожланган жорижий давлатларнинг амалиёти чуқур ўрганилиб, ҳисобнинг миллий стандартлари яратилди ва амалиётга тадбиқ қилинди;
- даромадлар, сарфлар, фойда ва зарарлар категорияларининг чегаралари ишлаб чиқилди ҳамда уларга аниқ тавсифлар берилди;
- молиявий ҳисобни юритиш учун “Счётларнинг режаси” ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди;
- молиявий ва бошқарув ҳисобини юритиш бўйича ишлаб чиқилган счётлар режасини амалиётга қўллаш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилди;

- молиявий ҳисоботнинг олдига қўйилган талаблар кенг ёритилди;
- молиявий ҳисоботнинг элементлари ажратиб чиқарилди.

**Назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда молиявий ҳисобни халқаро стандартлар ва жаҳон амалиётига мувофиқ ислоҳ қилишнинг концептуал асослари ишлаб чиқилди, уни хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этиш ҳамда юритиш тартиблари белгиланди. Назарий асослари «Аудит», «Молиявий менежмент», «Молиявий таҳлил» фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижасида ёзилган «Молиявий ҳисоб» китобининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Президентимиз томонидан ташкил қилинган «Устоз» жамғармаси томонидан уюштирилган 2003 йилнинг «Мутахассисликлар учун дарсликлар» туркумида «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи республика танлови»да ғолиб чиққанлигидир.

Бундан ташқари «Молиявий ҳисоб» дарслиги 7000 нусхада чоп қилиниб, ундан олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги олий ўқув юрғларининг «Иқтисодий» йўналишидаги бакалавриатура, магистратура талабалари, коллеж ўқувчилари ҳамда амалиётчи бухгалтерлар, молия мутахассислари, солиқ назоратчилари ва божхона ходимлари ҳам кенг фойдаланилмоқдалар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси «Узлуксиз таълим тизими тўғрисида»ги Қонуннинг учинчи босқичида белгиланган талабга кўра «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналишидаги талабаларни дарслик билан тўлиқ таъминлашга эришилди.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш.** Ўтказилган илмий тадқиқотларнинг асосий натижалари, хулоса ва таклифлари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятида молиявий ҳисобни ташкил қилиш, юритиш тартибини белгиловчи қонун, низом, стандартлар ҳамда бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланилган. (Молия вазирлигининг 2003 йил 30 октябрь куни ТД-17-18/743-сонли «Илмий ишларни амалиётга жорий қилиш тўғрисида маълумотнома»си).



«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини ишлаб чиқишда, «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом, «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари», «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни яратишда фаол катнашилди. (Молия вазирлигининг 2003 йил 30 август кунги ТД 17-18/743-сонли «Илмий ишларни амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги маълумотномаси).

Синовдан ўтказиш. Тадқиқот натижалари («Солиқ тўловчининг журнали», «Журнал налогоплательщика»)· 1998-2001 йиллар давомида 43та мақола, Труд молодых учёных и аспирантов. М.; МГУ, 2001 г., шунингдек, USAID томонидан ташкил қилинган (Алматы, 2001 г) халқаро анжуманда, Солиқ ва божхона академияси томонидан ташкил этилган халқаро илмий анжуманда, Банк-молия академиясида (2001 й), Тошкент молия институти ва Молия вазирлиги (2003 й.), Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети (2004 й.) ва Вестминстер университети томонидан (2005 й.) ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманларда ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари ушбу илмий изланишларнинг натижалари бўйича «Молиявий ҳисоб» (2002 й.), «Финансовый учёт» (2001 й.), «Бошқарув ҳисоби» (2005 й.) дарсликлари, «Молиявий ҳисоб бўйича амалий машғулотлар тўғрисида» (2004 й.) ва «Бошқарув ҳисоби» (2005 й.) ўқув қўлланмалари чоп қилинди.

Чоп этилган ишлар. Ўтказилган илмий тадқиқот натижалари бўйича 11та дарслик ва ўқув қўлланмалар, стандартлар, Низом ва йўриқномалар (103та), 66та мақола ва тезислар- жами 286 босма табоқдан ортиқ илмий ишларда ўз аксини топган.

Таркибий тузилиши ва ҳажми. Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг таркибий тузилиши ўзаро мантқан боғлиқликда долзарблиги, илмий янгиликлари, мақсади, вазифалари амалий аҳамияти ёритилган бўлиб, унинг ҳажми 51 бет, 6 та расм, хулоса ва таклифлар ҳамда чоп қилинган илмий ишларни ўз ичига олган.

## II. Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг қисқача мазмуни

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жорий этилиши ушбу ҳисобнинг энг муҳим коидалари ва тамойилларини изоҳлаб бериш ҳамда умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, уни республикамызда мулкчилик шаклларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш заруриятидан келиб чиққан.

Айниқса, 21-БХМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» стандартининг ишлаб чиқилиши (2000 йил 1 июнда Адлия вазирлигида 930-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг асосий босқичларидан бири бўлди.

Ҳозирги даврнинг долзарб талабларига жавоб берувчи ушбу стандартни қўллаш бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни тузишни максимал даражада муқобиллаштиришга, унинг янада оддий, тушунарли ва қулай бўлишига ёрдам беради. Шу билан бир қаторда мулк эгаси ва сармоячиларнинг манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса хўжалик алоқаларини амалга оширишда субъектнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли, ҳолисона ва тўлиқ маълумот берилишини таъминлайди.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун, албатта, тегишли ахборотлар бўлиши керак. Ушбу ахборотларни чуқур ўрганиш, солиштириш ва таҳлил қилиш натижасидагина тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда иқтисодий ахборотларнинг деярли  $\frac{1}{4}$  қисмини бухгалтерия ҳисоби етказиб беради.

Бизга маълумки, бухгалтерия ҳисоби учта функцияни бажаради: 1) ахборот бериш; 2) назорат қилиш; 3) бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги даврда бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиёти талабларига кўра иккита мустақил фанга «Молиявий ҳисоб» ва «Бошқарув ҳисоби»га ажралиб чиқди. Бухгалтерия ҳисоби объектларининг асосий қисми молиявий ҳисобнинг объектларига айланди ва уларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Субъектнинг маблағ (ресурс) лари, меҳнат воситалари, товар-моддий захиралари, пул маблағлари, тайёр маҳсулот, капитал, ҳар хил жамғармалар, келгусидаги харажат ва тўловларнинг захиралари, субъектнинг жамғарган

фойдасидан яратилган хар хил захиралар ва шунга ўхшашлар. Бу маблағ (ресурс)лар ишлаб чиқариш жараёни учун зарур шароитни яратиб беради;

2. Субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятида содир бўлаётган муҳим жараёнлар: товар-моддий захираларини тайёрлаш ва сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот (бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат) ларнинг сотилиши, капитал курилиш ва шу каби жараёнлар;

3. Ҳисоблашиш муомалалари: бюджет, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, харидорлар, ишчи ва хизматчилар, инвесторлар, тижорат банклари, акция эгалари, таъсисчилар ҳамда бошқа дебитор ва кредитор қарзлар бўйича ҳисоблашишлар;

4. Субъектнинг молия-хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси: сарфлари, даромади, олган фойдаси ва кўрган зарарларидир.

Замон талабидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобнинг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув қарорларини тайёрлашга ёрдам бериш, асослаб бериш ва қабул қилиш, субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича сифатли, ўз вақтида тайёрланган ахборот билан таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобнинг олдида қўйилган вазифаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- узоқ муддатли активлар, товар-моддий захиралари, пул маблағларининг келиб тушиши, уларнинг ҳаракатини тўлиқ ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш, уларни сотиш, меҳнат унумдорлиги, даромадлар ва харажатлар, фойда ва зарарлар, рентабеллик, меҳнат ҳақи жамғармаси, капитал, бюджет ва бошқа субъектлар билан ҳисоблашишлар, бошқа кўрсаткичлар бўйича режа - графикларнинг бажарилишини аниқ акс эттириш, назорат қилиш ҳамда уларнинг натижаларини аниқлаш;
- субъект ва унинг айрим бўлинмаларининг раҳбарларини молия-хўжалик фаолиятининг барча бўлинмаларига доир тўлиқ ҳамда аниқ иқтисодий ахборотлар билан тезкор таъминлаб туриш;

- субъект фаолиятининг натижасидан манфаатдор бўлган мулк эгалари-таъсисчилар, сармоя эгалари ва акциядорларни, шунингдек юкори уюшмалар, молия, солиқ, статистика ҳамда бошқа кизикувчи шахсларга ўз вақтида топшириш учун аниқ, тушунарли ва холис ҳисоботларни яратиш;
- бошқарув қарорларини иқтисодий асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборотнинг тартиблаштирилган оқимини таъминлашдан иборат. Ушбу вазифаларни изчиллик билан бир-бирига боғлиқ равишда тезкор ва тўлиқ бажариш замон талабининг долзарб масаласидир.

Бунинг учун эса энг аввало старли, тушунарли маълумотларни ўз вақтида тегишли субъектларга бериб туриш лозим. Бу маълумотлардан фойдаланувчилар кўп ва хилма-хил бўлганлиги учун уларни қуйидаги нуқтаи назардан туркумлаштириш мумкин (1-чизмага қаранг):

А. Фойдаланиш жойларига қараб: ички фойдаланувчилар ва ташқи фойдаланувчиларга бўлиш мумкин.

Ташқи фойдаланувчиларни асосан қуйидаги кўрсаткичлар қизиқтиради: субъект активлари ва пасивларининг таркиби ҳамда уларнинг ҳолати; субъектнинг ликвидлилик даражаси; ўзининг ва жалб қилинган капиталининг ҳиссаси; активларининг айланиш тезлиги; активлар ва сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматларнинг рентабеллиги; субъектнинг ихтиёрида қоладиган соф фойданинг ҳажми; тўланган дивидендларнинг ҳиссаси; шунга ўхшаш молиявий-ҳўжалик фаолияти ва унинг натижасини ёритадиган қўшимча маълумотлар.

Чунки ташқи фойдаланувчилар юкорида келтирилган йўналишлар бўйича маълумотларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб хулоса чиқарадилар ҳамда тегишли қарорларни қабул қиладилар. Ушбу гуруҳда ички фойдаланувчилар нафақат молиявий ҳисоб маълумотларидан балки ишлаб чиқариш технологияси ва фаолиятини ташкил қилиш ҳамда юритиш билан боғлиқ бўлган бошқарув ҳисобининг маълумотларидан ҳам кенг фойдаланадилар. Ташқи фойдаланувчилар эса фақат субъектнинг сири (конференциал хусусиятга эга) бўлмаган маълумотлардан фойдаланиши мумкин.



1-расм. Ахборотлардан фойдаланувчиларни туркумлаш.

Б. Манфаатдорлик нуқтаи назаридан молиявий ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар учта гуруҳга бўлинадилар: бевосита манфаатдор шахслар, билвосита манфаатдор шахслар ва манфаатдор бўлмаган шахслар. Ушбу гуруҳлаштиришда асосий ўрин куриладиган манфаатга қаратилади (2-қизмага қаранг). Манфаатдор бўлмаган шахсларга келгусида ушбу субъектнинг фаолиятида қатнашиш бўйича қарор қабул қилиш учун унинг фаолиятини ва эришган натижаларини ўрганаётган шахслар киради.

Ҳар бир шахс тегишли қарорни, айниқса келгусида иқтисодий қалтисликни келтириб чиқарадиган қарорларни қабул қилишдан аввал, ушбу қарорларни ўз манфаати нуқтаи назаридан чуқур ўрганиб чиқади ва кейингина уни қабул қилади. Бу эса ҳисоб ахборотларини фойдаланувчиларнинг манфаати нуқтаи назаридан ахборот манбалари бўйича гуруҳлаштириб, улар учун тўлиқ, дунда ва тизимли равишда тўплаш имкониятини беради.




2-расм. Манфаатдорлик нуқтаи назардан туркумлиниш

А. Бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан ҳуқуқий мақом берилди. Бунинг исботига «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (1996й.)ги Қонуннинг 6-моддаси «Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари»ни келтириш мумкин.

Б. 1998 йил 14 августда 475-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асос»лари номли 0-сонли стандартида (Ушбу стандартни ишлаб чиқишда муаллиф фаол иштирок этган) тамойиллар концептуал асосларни белгилаб берувчи элементлардан бири сифатида тавсифланди ва қўшимча равишда «Тушунарлилик», «Мухимлик», «Ҳаққоний ва ҳолис ақс эттириш», «Яқунланганлик», «Кетма-кетлик» ва «Ўз вақтидалилик» тамойиллари қўшилиб уларнинг сони 17 тага етказилди.

В. 1998 йил 14 август куни Адлия вазирлигида 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БХМСда «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун асос бўлган тамойиллар» бўлими киритилиб, унга яна 2та «Офсеттинг» ва «Ҳаққонийлик» тамойиллари киритилиши натижасида ушбу тамойилларнинг сони 19 тага етказилди.

Г. Натижада «Молиявий ҳисоб» дарслигида ушбу концептуал асослар ва тамойилларга бағишланган махсус 1-боб ажратилиб, унда ушбу тамойилларнинг моҳияти, аҳамияти ва қўлланилиши тартиби ёритилди<sup>2</sup>. Юқорида келтирилган барча воқеалардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, бухгалтерия ҳисоби, хусусан молиявий ҳисоб тамойилларининг назарий асосларини яратиш борасидаги асосий муаммолар ечилди.



3-расм. Молиявий ва бошқарув ҳисобини ташкил қилиш

Шартли белгилар:

→ тўғри алоқа  
← тесқари алоқа


Хозирги даврда молиявий ҳисоб молиявий ҳисобот деб номланган бир неча ҳисобот шакллари ва унга қўшимча маълумотларни илова қилган мажмуани

<sup>2</sup> О. Вобожонов, К. Жуманиёзов. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Т.: «Молия» 2002 й. 600 бет, 7-36 бетлар.

тузиш ва такдим қилиш билан яқунланади. Ушбу ҳисоботнинг шакллари такомиллаштирилган ҳолда мазкур китебнинг илова қисмида келтирилган.

Ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини юритишда субъект маблағларини ҳисобот йилида баҳолашнинг услубий қоидалари йиғиндиси деб таърифлаш мумкин. Ҳозирги даврда мулкчилик шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий тузилиши ва тармоққа тегишлилигидан катъий назар ҳар бир субъект ўзининг ҳисоб сиёсатини танлаб олиши мумкин. Бу ҳисоб сиёсати ҳисобот йилининг бошида тузилиб раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқлангандан кейин субъект учун ҳисоб юритишга асос бўлади ва унинг бир нусхаси солиқ органига топширилади. Чунки 1996 йил 30 август кuni қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши ва юритилиши субъект раҳбарининг зиммасига юклатилади (3-расмга қаранг).

Юқоридаги умумий қўринишга мувофиқ субъектларда бухгалтерия аппарати қўйидаги таркибда ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади (4-чизмага қаранг). Ушбу тақлиф лойиҳа бўлганлиги учун ҳар бир субъект ўзининг фаолият тури, технологияси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиши ва бошқариши ҳамда тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда раҳбарнинг буйруғи билан бу таркибга ўзгартиришлар киритиши мумкин.



4-расм. Бухгалтерия аппаратининг таркиби

Илмий изланишни ўтказиш жараёнида тавсия қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ривожланган давлатлар (АҚШ, Англия,



Франция, Германия, Япония каби)нинг ҳамда МДХга кирувчи Россия Федерацияси, Қозоғистон давлатларининг амалиёти чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Ушбу ўрганишнинг маҳсули сифатида миллий стандартлар ишлаб чиқила бошланди. Натижада 2000 йил март ойининг 30-кунида бухгалтерия ҳисобининг асосий ўзаги ҳисобланган 21-БХМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқнома” Молия вазирлигининг 37-сон буйруғи билан тасдиқланиб, шу йил июнь ойининг 1-кунида Адлия вазирлигида 930-сон билан рўйхатдан ўтказилгандан кейин, “Молиявий ҳисоб” фани бўйича янги “Намунавий дастур” тузилди ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди. Юқорида келтирилган метёрий ҳужжатлар ўрганилиб “Ишчи дастур” тузилди, унда “Намунавий дастур”да келтирилган барча мақсад, вазифа ва саволлар камраб олинди. Шу билан бир қаторда қўйилган мақсадларга эришиш мақсадида анъанавий усулга айрим ўзгартиришлар киритилди, яъни:

1. Мавзуларни ёритиш кетма-кетлигига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:<sup>3</sup>
  - энг аввало “Пул маблағлари ва унинг эквивалентларини ҳисобга олиш” мавзуси ёритилди;
  - кейин эса “Узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш”, яъни “Асосий воситалар” кейин эса “Номоддий активлар”нинг ҳисобини юритиш ёритилди;
  - кейинги босқичда “Товар-моддий захираларини ҳисобга олиш” мавзуси ёритилди.

2. Илмий изланишлар натижасига кўра ва амалиётни ўрганиб “Счётлар режаси” таркибидан келиб чиққан ҳолда дарсликка қўшимча мавзулар киритилди:<sup>4</sup>
  - “Олинадиган счётлар ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) бўйича ҳисоблашнишлар”;
  - “Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташки иқтисодий фаолиятини ҳисобга олиш”;
  - “Сарфлар, даромадлар ва якуний молиявий натижаларнинг ҳисобини юритиш”;
  - “Солиқлар ва уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муомалаларининг ҳисоби”;

<sup>3</sup> О.Бобоҷонов, К.Жуманиёзов. “Молиявий ҳисоб”. Дарслик, Т.; “Молия” 2002 й. 660 бет, 37-96 ва 173-262-бетлар.

- “Давлат корхоналарининг мулкчилик шаклини ўзгартириш (приватизация қилиш) тартиби ва унинг натижаларини ҳисобга олиш”;

1. Айрим мавзуларнинг номи ва таркиби ўзгартирилиб бошқача талқин қилинди:<sup>4</sup>

- “Меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш”;
- “Субъектнинг хусусий капитали, фойдаси ва захираларини ҳисобга олиш”.

Ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш натижасида дарслик субъектнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини имконияти борича тўлиқ камраб олди деб айта оламиз.

Фани ўрганишнинг анъанавий усули фақат асосий воситаларни ҳисобга олиш, кейинчалик эса унга номоддий активларни ҳисобга олиш тартиби ҳам қўшилди. Шунинг учун биз уларни таркибий тузилишидан ва ташқи кўринишидан келиб чиққан ҳолда узок муддатли активлар гуруҳига бирлаштирдик.

Узок муддатли активлар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: бир йилдан кўпроқ муддатда фойдали хизмат қилиши; ишлаб чиқариш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланилиши ёки ижарага берилиши; сотиш учун мўлжалланмаслиги керак. Улар ўз навбатида моддий ва номоддий активларга бўлинади.

Узок муддатли активларнинг ҳисобини юритишда иккита муаммо пайдо бўлади: энг аввало уларнинг бошланғич қийматини тўғри аниқлаш; ҳисобот даврида улар қийматининг қанча қисмини ҳисобдан чиқаришни аниқлаш; балансда кўрсатилган қийматининг қопланишини тўғри ҳисоблаш.

Биринчи муаммони ечиш учун халқаро стандартларни чуқур ўрганиб, қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозимлигини кайд қилмоқчимиз: узок муддатли активларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш, мослаштириш (модернизация), конструкциясига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ харажатлар, ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш учун сарфланган ўрнатиш ва синаш харажатлари уларнинг қийматини ташкил қилади.

Шу билан бир қаторда назарий асосланган қуйидаги қиймат турлари мавжуд:

---

<sup>4</sup> Ушбу дарсликнинг 263-350, 429-537 ва 556-575-бетлари.

<sup>5</sup> Ушбу дарсликнинг 660 бет, 351-389 ва 538-555-бетлари.

- тарихий қиймат (сотиб олиш қиймати)- ўзаро боғлиқ бўлмаган томонлар ўртасидаги муомаланинг натижаси бўлиб, объектив ва ишончли бўлганлиги сабабли ишлатилади ва фойдаланиш учун тайёрлаш сарфи ҳам қўшилади;
- активлар пулсиз тўлов (алмашув) эвазига сотиб олинганда, қайси қийматнинг ҳолисрок эканлигига қараб қиймат аниқланади, яъни, берилган активларнинг бозор қиймати ёки олинган активнинг бозор қиймати бўйича аниқланади;
- соф сотиш қиймати- ҳозирги ҳолати бўйича бозорда ўрнатилган қийматда ҳисобланади.

Иккинчи муаммо ҳисобот даврида активлар қийматининг қанча қисмини ҳисобдан чиқаришни аниқлашдан иборат бўлиб, бу муаммо узоқ муддатли активларга тўғридан тўғри эскириш суммасини ҳисоблаш билан боғлиқ.

5-БХМС “Асосий воситалар” ва 7-БХМС “Номоддий активлар” стандартларига кўра, ушбу объектлар учун эскириш суммасини ҳисоблашга таъсир қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд: бошланғич қиймат, қўйлаётган қолдиқ қиймати, эскириш ҳисобланаётган қиймат, фойдаланиш муддати ва ўрнатилган эскириш меъёри.

Эскириш суммасини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathcal{E}_c = \frac{(B_k + T_k) - (M + K_k)}{\Phi_k} \cdot 6$$

бунда,

$\mathcal{E}_c$  – эскиришнинг йиллик суммаси;  $B_k$ - объектнинг баланс қиймати;  $T_k$ - тахминий тугатиш харажатлари;  $M_k$ - тугатилишидан олинган материалларнинг тахминий қиймати;  $K_k$ - объектнинг тахминий қолдиқ қиймати;  $\Phi_k$ - объектдан фойдаланиш муддати.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва жаҳон амалиёти чуқур ўрганилиб, мамлакатимизда ҳам узоқ муддатли хизмат қиладиган активларга эскириш ҳисоблашнинг учта усули тавсия қилинади.<sup>7</sup>

1. Қийматни бир текисда (тўғри чизикли) ҳисобдан чиқариш усули.

<sup>6</sup> О.Бобоҷонов, К.Жуманиёзов. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Т.; «Молия» 2002 й. 660 бет. 155-бет.

<sup>7</sup> 5-сон БХМС “Асосий воситалар” 2004 йил 20 январь куни Адлия вазирлигида 1299-сон билан рўйхатга олинган.

2. Бажарган ишларнинг ҳажмига мутаносиб равишда эскириш ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули.

3. Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули:

а. Хизмат муддати сонларининг йигиндиси бўйича қийматини ҳисобдан чиқариш (кумулятив) усули; б. Камайиб борувчи қолдиқ усули.

Қийматини бир текисда ҳисобдан чиқариш (тўғри чизикли) усули.<sup>8</sup> Бу усул “Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан қўлланилади. Бу усул бўйича активларга эскириш ҳисоблашда бошланғич қийматдан қўтилаётган қолдиқ суммаси чегирилгандан қолган қолдиқ суммаси уларнинг хизмат мудлатига бир текисда тақсимланади. Бу усулда эскиришни ҳисоблашнинг меъёри хизмат даври мобайнида бир хил даражада бўлади.

Бу усулни қўллаганда қуйидагиларга эришиш мумкин:

- ижобий томони- эскириш ҳисоблаш муомалалари энгиллашади, харажатлар бир текисда олиб борилади, бизнес режани тузиш осонлашади.

- салбий томони- ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган ишларнинг таннархини ҳисоблашда ҳақиқий сарфнинг ҳажмини тўғри топишга ҳалақит беради. Чунки, мазкур объектдан фойдаланишдан қатъий назар (консервация қилиш бундан мустасно) уларга бир текисда эскириш ҳисоблаш шарт. Натижада таннархнинг ҳажми сунъий равишда оширилади.

Бажарилган ишларнинг ҳажмига мутаносиб равишда эскириш ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули.<sup>9</sup> Бу усул эскириш ҳисоблаш учун объектнинг бошланғич қиймати, хизмат муддати ва бажарган ишларнинг ҳажми асос бўлади. Бажарадиган ишларининг ҳажми (лойиҳа қуввати) унинг паспортида кўрсатилган бўлади.

Бу усулни қўллаганда қуйидагиларга эришиш мумкин:

- ижобий томони- ишлаб чиқариш объекти харажат марказига унинг реал хизматининг қиймати олиб борилади ва бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг таннархи тўғри ҳисобланади, ҳамда объектдан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш имкониятини яратади.

<sup>8</sup> О.Бобоҷонов., К.Жуманиёзов. «Молиявий ҳисоб». Дарслик. Т.; «Молия», 2002й, 660-бет

<sup>9</sup> Ушбу китобда. 156-бет

- салбий томони- қўшимча ҳисоб ишларини бажаришга, яъни бир вақтинг ўзида молиявий ҳисоб учун (солиққа тортиш негизини аниқлаш мақсадида) бир текис эскириш ҳисоблаш, бошқарув ҳисоби учун эса ушбу усулда эскириш ҳисоблаш лозим бўлади.

Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули.<sup>10</sup> А. Хизмат муддати сонларининг йиғиндиси бўйича ҳисобдан чиқариш (кумулятив) усули. Бу усул бўйича объектнинг хизмат килиш йиллари суммаси орқали эскириш суммаси аниқланади. Бунинг учун ҳисоблаш коэффициентида йилларнинг суммаси унинг маҳражида, хизмат муддатининг охиригача қолган йиллар унинг суратида тескари тартибда акс эттирилади.

Ушбу усулни қўлаганда унинг қуйидаги томонлари рўёбга чиқади:

- ижобий томони- объектдан фойдаланиш даврининг бошларида эскириш суммаси юқори бўлади, чунки улардан самарали фойдаланиш мумкин, кейинги йилларда эса эскириш суммаси аста секин (ҳар йили 600000 сумга) камайиб боради.

- салбий томони- объектдан фойдаланишдан қатъий назар, унга эскириш ҳисоблаш ва бу суммани харажат марказига олиб бориш шарт.

Б. Камайиб борувчи қолдик усули. Бу усул сонлар йиғиндиси (кумулятив) усулининг тамойилларига асосланган. Унда ҳар қандай белгиланган ставка (даража) қўлланилиши мумкин, яъни амалиётда тўғри чизиқли усулда белгиланган меъёرنинг 2 марта даражаси объектнинг қолдик қийматида қўлланилади. Бу жараён иккиланган эскириш суммасида камайиб борувчи қолдик усули деб юритилади.

Бу тартибда эскириш суммасини ҳисоблашнинг ҳар йилги меъёри олдинги йилнинг баланс қийматида нисбатан олинган. Ушбу ҳисобланган эскириш суммаси йилдан йилга камайиб боради. Бундаги ижобий ва салбий томонлар илгариги кумулятив усулдаги кўрсатилган ижобий ва салбий томонларга ўхшайди.

Ҳозирги даврда болалар муассасалари, хусусан болалар уйлари, боғчалар, соғлиқни сақлаш муассасаларига субъектлар баҳоли қудрат ёрдам тарикасида ҳар хил хижозларни мутга ҳада қилмоқдалар. Бу хайрия ишлари ҳар томонлама

<sup>10</sup> Ушбу китобда. 660 ва 158-бетлар

хукумат томонидан қўлаб қувватланмоғи лозим. Лекин ҳозирги даврда олиб борилаётган солиқ сиёсати ушбу хайрли ишга тўскинлик қилмоқда, чунки улар ушбу муассасаларга хайрия қилинган (мутга берилган) объектларни қўшилган қиймат солиқларига тортиш ва уларнинг қийматини белгилашда хатоликларга йўл қўймоқдалар.

Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилиб, шунга ўхшаш муомалалар (хайрли ишлар)га имтиёзлар берилганда эди, ушбу хайрия учун рағбатлантириш ўрнига субектлар иқтисодий жазоланган бўлур эди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятида товар-моддий захиралари муҳим роль ўйнайди. Чунки бу активлар маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ўринга эга бўлиб, ишлаб чиқариш эса уларнинг тўлиқ мавжудлиги ҳамда ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ.

Товар-моддий захиралари қўидаги шаклдаги активлардан ташкил топган:

- сотиш учун мўлжалланган товарлар, тайёр маҳсулотлар ва йўлдаги товарлар;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг тугалланмаган сарфлари;
- ишлаб чиқариш жараёни, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган хом ашё ва материаллар.

Қўидаги ҳолларда субъект омборларида мавжуд бўлган товар-моддий захираларининг айрим турлари товар-моддий захиралари гаркибига киритилмайди:

- инвентаризация ўтказилаётган даврда субъектнинг эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган товарлар- мижознинг буюртмаси билан тайёрланган, қиймати тўланган, яъни олди-сотди битими бажарилган, унга қарашли ҳамда жўнатилишини кутаётган товарлар (уларнинг сотилганлигини қайд қилиш керак);

- консигнациядаги (сотиб бериш учун олинган) товарлар. Консигнатор-даллол бундай товарларни ўзининг мулки ҳисобламайди, чунки сотиш давригача бу товарлар консигнантнинг мулки ҳисобланади.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда, товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан омборхонадаги мавжудлиги ўртасида фарқ (камомад) аниқланиши мумкин:

- киймати тўланган. лекин инвентаризация пайтида омборга келиб тушмаган захиралар. Уларни ажратиб чиқариб, келишини тезлаштириш мақсадида таъминот бўлимининг назоратига олиш лозим;

- консигнацияга (сотиб беришга) берилган товарлар. Ушбу товарлар даллолга сотиш учун берилган, омборхонадан жўнатилган, лекин бухгалтериянинг аналитик карточкаларида мавжуд. Бундай ҳолатда товарнинг сотилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида маркетинг бўлимига маълумотнома бериш лозим.

Товар-моддий захираларнинг ҳисобини ташкил қилиш жараёнида энг муҳим босқичлардан бири уларнинг таннархини аниқлаш, яъни таннархига киритиладиган харажатларни ажратиб олиш ва асослаш лозим. Жаҳон амалиётида товар-моддий захираларни таннарх бўйича баҳолаш кенг тарқалган. Ушбу таннарх қуйидагилардан ташкил топган:

А. Товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатлари, жумладан, харид киймати (счёт-фактурада кўрсатилган суммадан харид чегирмасининг айирмаси), боғхона тўловлари, бошқа солиқлар (қоплашга мўлжалланганларининг айирмаси билан), фрахт киймати ва бошқа бевосита харажатлар;

Б. Қайта ишлаш харажатлари ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар;

В. Тайинланган жойга элтиб бориш ва фойдаланиш ҳолатига келтириш харажатлари.

Шу билан бир қаторда товар-моддий захираларининг таннархига киритилмайдиган харажатларни аниқ ажратиб олиш талаб қилинади. Буларга:

А. Субъект томонидан ўрнатилган меъёрдан ортиқча сарфланган бевосита харажатлар;

Б. Технология жараёнида кўрсатилмаган ҳолатларда ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида босқичлари ўртасида товар-моддий захираларни сақлаш харажатлари;

В. Маъмурий-бошқарув харажатлари;

Г. Сотилган билан боғлиқ харажатлар.

Товар-моддий захираларнинг таннархини ҳисоблаш усуллари халқаро стандартлар ва жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан ташкил топган бўлиши лозим:

А. Ялпи идентификациялаш усули- бу усул аниқ харажатларга асосланган бўлиб, ўзаро алмаштирилмайдиган, аниқ бирликлари махсус якка буюртмалар бўйича ишлаб чиқариладиган махсулот бажарилган иш ва кўрсатилган товарнинг таннархини ҳисоблаш учун қўлланилади;

Б. Ўртача тортилган қиймат усули. ТМЗ ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот даврининг бошида бир турли ТМЗ бирликлари ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бир турдаги ТМЗ бирликларининг ўртача тортилган қиймати бўйича аниқланади. ТМЗ бирлигининг ўртача тортилган қиймати ТМЗ бутун қийматини ушбу захираларнинг ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади;

В. Биринчи харид баҳоси бўйича баҳолаш (FIFO) усули, яъни биринчи қирим-биринчи чиқим. Бу усул ҳисобот даврида биринчи навбатда сотиб олинган захираларнинг таннархини сарфланган захираларни ҳисобдан чиқаришда қўлланилишини тақлиф қилади;

Г. Охириги харид нархларида баҳолаш (LIFO) усули. Ҳисобот даврида охириги харид қилган товарлар ёки захираларнинг таннархи биринчи сотилган ёки сарфланган хом-ашёларга қўлланилиши лозимлигини тавсия қилади.

Товар-моддий захираларнинг илгариги қиймати соф сотиш қийматиғача қуйидаги усуллар асосида қисман ҳисобдан чиқарилади:<sup>11</sup>

- моддалар бўйича- товар-моддий захираларининг ҳар бир тури айрим баҳоланади;

- асосий товар гуруҳлари бўйича товар-моддий захираларининг ҳар бир гуруҳи айрим баҳоланади;

- захираларнинг умумий даражалари бўйича- ҳамма товар-моддий захиралари умумий баҳоланади.

---

<sup>11</sup> БХМС "Товар-моддий захиралари" 1998 йил 28 август куни Адлия вазирлигида 486-сон билан рўйхатга олинган



Товар-моддий захираларнинг ҳисобини юритишдаги яна бир муаммо бу уларнинг даврий ва узлуксиз ҳисоб тизимини юритишдир.

Даврий ҳисоб тизимида ҳисобот даври ичида ҳар бир ТМЗ батафсил ҳисоби юритилмайди. Уларнинг ҳақиқий мавжудлиги ўтказилган инвентаризациянинг натижалари билан аниқланади. Натижада сотилган ёки сарфланган ТМЗ аниқ таннархини инвентаризация якунланмагунча аниқлаб бўлмайди. Шу сабабли ТМЗ баланс счётларидаги қолдиги инвентаризация натижалари аниқ бўлмагунча бошланғич даражада қолади. ТМЗ ҳисобот давридаги ҳаракати ТМЗ баланс счётларида эмас, балки 1510-“Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш” счётида акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида инвентаризациянинг якуни бўйича ТМЗ қолдигини ҳисобга олиш баланс счётларида тузатув ёзувларини қайд қилиш йўли билан амалга оширилади.

ТМЗ узлуксиз ҳисобини юритиш тизимини қўллаганда уни ҳисобга олувчи баланс счётларида ТМЗ келиб тушиши, чиқиб кетиши батафсил ва аниқ акс эттирилади, даврий ҳисобга олишда қўлланиладиган харажатларнинг вақтинчалик счётлари қўлланилмайди. Ушбу усулда ҳисобот даври давомида захираларни маълум турларининг мавжудлиги ва сотилган захираларнинг таннархи маълум бўлади. Сотилган ТМЗ таннархи сотилиши бўйича “Сотилган маҳсулот (товар)нинг таннархи” счётида акс эттирилади. Узлуксиз ва даврий ҳисоб тизимларининг асосий фарқи қуйидагилардан иборат:

- даврий ҳисоб тизимини қўллаганда ушбу “Товарлар” счёти бўйича маълумотлар ҳисобот даврининг охирида ТМЗ инвентаризацияси ўтказилмагунча бошланғич ҳолида қолади. Натижада ТМЗ ҳолати, ҳаракати устидан назорат олиб бориш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти бўлмайди. Ушбу воқеалар фақат ҳужжатларга асосан қайд қилиб борилади;

- узлуксиз ҳисоб тизимини қўллаш натижасида “Товарлар” счётида доимо янги харидлар, сотувлар ва товарлар билан боғлиқ бошқа муомалалар акс эттирилади. Бу эса ўз навбатида тезкор назорат ўрнатиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда ёрдам беради;

Узлуксиз ҳисоб тизими қўлланилганда даврий ҳисоб тизимида ишлатиладиган “Товарларнинг хариди”, “Сотиб олинган товарларнинг қайтариб

берилиши ва нархининг пасайтирилиши”, “Харидорлардан чегирмалар” ҳамда “Товарларни сотиб олиш бўйича транспорт харажатлари” каби счётларига ҳожат қолмайди. Ушбу фарқларни чуқурроқ намоён қилиш учун қуйидаги мисолга мурожат қиламиз. Фирма канцелярия (идора) жиҳозлари билан улгуржи савдо қилади. Умумий қиймати 1200000 сўм бўлган 100 дона товар сотиб олинди 2/10, П/30 шартларида, ФОБ-йўналиш темир йўл бекати. Нетто- харидорлар билан ҳисоб усули қўлланилади., сўмда (1-жадвалга қаранг).

### ТМЗни ҳисобга олиш тизими

1-жадвал

Узлуксиз ҳисоб тизимида		Даврий ҳисоб тизимида	
Товарлар	1176000	Товарларнинг хариди	1176000
Тўланадиган счётлар	1176000	Тўланадиган счётлар	1176000
2.	Харидорга чаканасига 300000 сўмга 20 дона товар сотилди. П/10 шартларида, ФОБ- йўналиш темир йўл бекати		
Олинадиган счётлар	300000	Олинадиган счётлар	300000
Сотишдан тушган даромад	300000	Сотишдан тушган даромад	300000
Сотилган товарларнинг таннарни	235200		
Товарлар	235200		
3.	Мол етказиб берувчи билан 10 дона товарни соф кредит қиймати бўйича қайтариб бериш келишилди		
Тўланадиган счётлар	117600	Тўланадиган счётлар	117600
Товарлар	117600	Товарларнинг хариди	117600
4.	Хариддан чегирма бериш муддати тугагунча мол етказиб берувчига қарзинг тўлик тўланиши		
Тўланадиган счётлар	1058400	Тўланадиган счётлар	1058400
Пул маблағлари	1058400	Пул маблағлари	1058400
Мол етказиб берувчига тўловлар 1058400 (1176000-117600) сўмни ташкил этади.			

Биринчи учта муомалалардаги фарқларга қаранг: узлуксиз ҳисоб тизимини қўллаганда “Товарлар” счёти мавжуд товар захираларининг ҳолатини аниқ акс эттириш учун жорий муомалалар билан мос равишда келтирилади. “Товарларнинг хариди” ҳамда “Сотиб олинган товарларнинг қайтарилиб берилиши ва нархларининг туширилиши” счётларида эса қўлланилмайди.

Иккинчи муомалада “Сотилган товарларнинг таннарни” счётидаги ёзувлар сотув санасида амалга оширилади. Узлуксиз ҳисоб тизимида товарларнинг ҳаракати доимий равишда “Товарлар” счётида акс эттирилади. Шунинг учун ҳисоб регистрида йил охирига бўлган товарларнинг қолдиғини аниқлашга ҳожат

қолмайди. Факат “Сотилган товарларнинг таннархи” счётининг қолдиғини “Даромадлар ва харажатларнинг йиғими” (счётлар режасида “Яқуний молиявий натижалар” счёти деб номланади) счётига ўтказиш лозим. Бу ўз навбатида жорий назоратни кучайтириш билан бирга ҳисобот даврининг охирида 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни тўлғаишни осонлаштиради.


Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз олдига қўйган мақсадига эришиши учун:

- ўтган ҳисобот давридаги молиявий хўжалик фаолиятини ёритиши, таҳлил қилиши ва баҳолаши;

- ташқи ва ички фойдаланувчилар учун молиявий хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи маълумотларни бир тизимга келтирган ҳолда йиғиб тақдим қилиши лозим.

Демак, ҳар бир субъект ўтган даврдаги фаолиятини ёритиши ва унга баҳо бериши, яъни ҳисобот тузиши шарт. Ушбу ҳисобот бухгалтерия ҳисоби, хусусан молиявий ҳисобнинг тугалланувчи босқичи ҳисобланиб, барча шаклларда жамланган, яъни: тезкор ҳисобнинг; молиявий ҳисобнинг; бошқарув ҳисобининг; статистик ҳисобнинг маълумотларига асосан тузилади ва унда жорий ҳисобдан олинган қисқача маълумотлар ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини ёритувчи жамланма маълумотлар тизими акс эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий ҳисоботни тузиш босқичларини қуйидагича акс эттириш мумкин (5-расмга қаранг). Ушбу босқичларни бир бутун ҳолатда ўрганиш учун улардаги бирликка ва уларнинг ўзаро боғланишига эътибор бериш лозим. Чунки молиявий ҳисобот ички ва ташқи фойдаланувчилар учун асосий ахборот манбаси ҳисобланади.



5-расм. Молиявий ҳисоботни тузиш босқичлари

Дарслик муаллифи молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш тартибларини, унинг шаклларини ишлаб чиқишда ҳамда амалиётга тадбиқ қилишда фаол иштирок қилган. Илмий маъруза ҳажмининг чегараланганлигидан келиб чиқиб фақат 4-шакл “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот”га тўхталмоқчимиз. “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” (4-шакл) бешта бўлимдан ташкил топган бўлиб, уларда субъект фаолиятининг ҳамма йўналишлари қамраб олинган:

1. Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати бўлимида харидор ва буюртмачилардан ҳамда бошқа йўллар билан келиб тушган пул маблағлари, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга, ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари ҳамда бошқа пуллик тўловлар айрим қаторларда акс эттирилади.

2. Инвестиция даромади ва молиявий хизмат кўрсатиш бўлимида олинган фоизлар, дивидентлар билан бир вақтда тўланган фоизлар ва тўланган дивидентлар ажратилган қаторларда айрим-айрим акс эттирилади.

3. Солиқларни тўлаш учун сарфланган маблағлар (солиқлар) бўлимида эса даромад (фойда)дан тўланган солиқ ҳамда бошқа тўланган солиқлар уларнинг айрим турлари бўйича тегишли қаторларда кўрсатилади.

4. Инвестиция фаолияти учун тўланган ва олинган маблағлар бўлимида номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, моддий активларни сотиб олиш ва сотиш, харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмаларнинг кирими ва чиқими бўйича тегишли қаторлар ажратилган бўлиб уларда юқорида келтирилган инвестиция фаолиятининг турлари бўйича маълумотлар келтирилган.

5. Молиявий фаолият бўйича сарфланган ва олинган маблағлар бўлимида ушбу фаолиятнинг аниқ турлари акция чиқаришдан капиталга келиб тушган тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг келиб тушиши, ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар бўйича маълумотлар берилган. Бундан ташқари ушбу маблағларнинг ҳисобот давридаги қолдиғи ва ҳисобот даврининг охиридаги қолдиғи айрим қаторда келтирилган.

Шу билан бир қаторда хориж валютасининг ҳаракати тўғрисида маълумот уларнинг кирим йўналишлари ва чиқим турлари бўйича айрим қаторларда ҳамда қолдиқлари ажратилган ҳолатда келтирилган. Ушбу ҳисобот пул оқимларининг

ҳаракати ва ҳолатини назорат қилиш, хўжалик фаолиятининг турларига баҳо бериш ва зарур қарорларни қабул қилишга ижобий ёрдам беради.

### III. Хулоса

Мазкур дарсликни ёзишдан аввал қатор йиллар давомида бухгалтерия фанига тааллуқли жаҳон стандартлари, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари, ривожланган давлатларнинг амалиётлари ҳамда ушбу фан соҳасида фаолият кўрсатаётган олимларнинг асарлари ўрганиб чиқилиб, қуйидаги хулоса ва таклифлар бериш жоиз деб топилди:

1. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва амалиёти, шунингдек етакчи иқтисодчи олимларнинг асарларини ўрганиш натижасида амалдаги қонуний-меъёрий ҳужжатларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда молиявий ҳисоб ажратиб чиқарилди ва у фан даражасига кўтарилди.

2. Тегинли қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қўйилган талабларга мувофиқ, ушбу фаннинг назарий, услубий асослари, низомлар, стандартлар ҳамда кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди.

3. Ҳозирги давр талаби ҳамда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўллари чуқур ўрганилиб, “Молиявий ҳисоб” фани назарий ва услубий жиҳатдан асосланди ва унинг моҳияти, мақсади, функциялари, вазибалари, объектлари, уларни тан олиш ҳамда ўлчаш мезонлари, ҳисобни юритиш тартиб-қоидалари, тамойиллари, услуби, усулларига қарашларни қамраб олган концепция (мажмуаси, тизими) ишлаб чиқилди;

- ушбу концепциянинг таркибий элементи ҳисобланган, уни юритишнинг услубий, ташкилий, жараёни ва сифатини белгилашга асос бўлувчи талаблар ҳамда тартиб - қоидаларнинг мажмуаси ҳисобланган тамойиллар (негиз ёки асослар)нинг мажмуаси яратилди.

4. Бизга маълумки, муस्ताқил фан бўлиши учун ҳар бир соҳа ўзининг предмети ва усулларига ушбу усулларнинг йиғиндиси ҳисобланган услуби ҳамда объектига эга бўлиши шарт. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда “Молиявий ҳисоб” фанининг предмети, услуби ва объекти бухгалтерия ҳисоби тизимидан ажратиб чиқарилди ҳамда аниқлаштирилди.

